



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

2017 йил 27 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 89 (13.422)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель кунни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди.

Ўзбекистон – Туркия муносабатлари 2016 йилнинг 17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги музокараларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантириш, Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, тўқимачилик, кўнчилиқ, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, "Ўргут" эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технология-

ли замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мевлут Чавушўғлу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Давлатимиз раҳбарига Туркия компанияларининг мамлакатимиздаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаётгани учун Туркия раҳбарияти номидан ташақкур билдирди ва кенг қўламли ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 апрель кунни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Қурулли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Леонард Вотелни қабул қилди.

Сўхбат чоғида икки томонлама ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлик, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Афғонистонда юзага келаятган вазият ва ушбу мамлакатда тинчликка эришиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жозеф Вотел Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон – Америка муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустақамлашни давом эттиришга тайёр эканини қайд этди.

ЎЗА



"Ташаббус – 2017"

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

"Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи Республика Рассомлик коллежида бўлиб ўтди.

Унда 10 дан ортиқ тadbirkor, 8 нафар хунарманд ҳамда Республика Рассомлик коллежи битирувчилари ўзларининг кўргазмалари билан иштирок этишди. Танлов кўргазмасидан текстиль, маиший техника, электр жиҳозлари, қурилиш, озик-овқат соҳалари билан боғлиқ бир-биридан чиройли, бежирим маҳсулотлар ўрин олган.

– Асосан миқозларимизга буюртма асосида чармдан тайёрланган маҳсулотлар етказиб берамиз, – дейди "TOXIRMALI" хусусий фирма раҳбари, хунарманд Шокир Қорабоев. – 60 турдан ортиқ спорт буюмлари ишлаб чиқарамиз, энг муҳими хом ашё ўзимизники, четдан ҳеч нарса олмаймиз.

– Олимжон Алимухамедов бўламан, – дея ўзини таништирди "OLMOS ELEKTRONIKS" фирмасининг вакили, – қорхонамиз 2014 йилда иш бошлаган. "KONIG" бренди остида чангпогич техникаларини ишлаб чиқарамиз. Ҳозирча 2 та модел, 3 хил рангдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Яқинда маҳаллийлаш-

тириш дастурига кирдик. "Ташаббус" кўрик-танловида илк бор иштирок этмокдамиз.

"Ташаббус – 2017" кўрик-танлови Шайхонтоҳур тумани босқичида "Йилнинг энг яхши тadbirkori" номинацияси бўйича биринчи ўринни "OLMOS ELEKTRONIKS" масъулияти чекланган жамияти, "Йилнинг энг яхши хунарманди" номинациясида биринчи ўринни хунарманд Шукриддин Рискиев эгаллади.

– Бундан ташқари бир неча қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди, – дейди биз билан сўхбатда Шайхонтоҳур тумани Савдо-саноат палатаси бош мутахассиси Абдуғаффор Якубов. – Танловга тумандаги тижорат банклари ҳам таклиф этдик, 51 та маҳалладан тadbirkorлик билан шугулланиш истагини билдирган фуқаролар ҳамда коллеж битирувчилари таклиф этилиб, улар тadbirkor ва хунармандлар билан беvosита яқиндан фикр алмашди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Мевлут ЧАВУШЎҒЛУ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Ўзбек ва турк халқлари кўп асрлик тарих, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатларга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 26 апрель кунни Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлуни қабул қилди. Самимий ўтган учрашув тафсилотлари, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари ҳақида Мевлут ЧАВУШЎҒЛУ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

– Аввало, самимий қабул учун Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдираман. Туркия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори сифатида билади, ўртадаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳамкорлиқни ўзаро ишонч тамойиллари асосида ривожлантириш тарафдори.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Режеп Эрдоғоннинг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳри-

да бўлиб ўтган учрашувида бугунги ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон ва Туркиянинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги таъкидланиб, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилинган, ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ташкил қилиш, халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлиқнинг янги

саҳифаларини очиш борасида самарали келишувларга эришилган эди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигини ривожлантиришда янги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу режаларни ҳаётга татбиқ этишда Самарқанд вилоятида барпо этилаётган "Ўргут" эркин иқтисодий зонаси муҳим қадам бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда маданий-гума-

нитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Бу борадаги шерикликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туркиянинг етакчи туристик компанияларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларида халқаро талабларга мос замонавий сайёҳлик мажмуалари барпо этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурдаги қабулда муҳокама қилинган масалалар, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар муносабатларимизни янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг янги саҳифаларини очишга хизмат қилишига ишонамиз.

А.ЎРЗОВ
ёзиб олди.

ФАЛАСТИН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири ўринбосари Мазен Шамия раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган мулоқотда Ўзбекистон – Фаластин муносабатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиқнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида бўлди. Мехмонга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибий тузилиши, сиёсий партиялар ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари фаолияти, сайловчилар билан доимий мулоқот тизими ҳақида сўзлаб берилди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашда парламентнинг роли ва аҳамиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ташрифимиз доирасида партиялар фаолияти, парламент имкониятлари билан яқиндан танишдик, – деди ЎЗА мухбирига Мазен Шамия. – Сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллиги бизда катта таассурот қолдирди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Фаластин ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳақида сўз юритилди. Мехмонлар мамлакатимиз Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Фаластин туризм вазирлиги ўртасида ўзаро Англашув меморандумини имзолаш, турли ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Фаластин делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасида ҳам музокаралар ўтказди. Унда фармацевтика, машинасозлик ва озик-овқат соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш, биргаликда бизнес-форумлар ташкил қилишга келишиб олинди.

Фаластин делегацияси аъзолари Ҳазрати Имом (Ҳасимов) мажмуини зиёрат қилди.

Севара АЛИЖОНОВА

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

ФАХРИЙЛАР ДОИМО ЎЗБОЗДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийларни ёъозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, байрам билан қутлаш мақсадида маънавий-маърифий тadbirkorлар ташкил этилмоқда. "Ўтганлар руҳини шод этайлик" шиори остида қабристонларда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Фаол ёшлардан

тузилган гуруҳлар нуронийларнинг хонадонларида бўлиб, уларга уй ишларида кўмаклашмоқда.

Миробод туманидаги "Тонг юлдузи" маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Николай Вилковнинг хонадонида бўлиб ўтган шундай тadbirkorда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти талабалари қатнашди.



Маҳалладошларининг айтишича, 93 ёшли Николай отага хонадонида тез-тез бўлиб турадиган бундай учрашувлар кўтаринки кайфият бахш этади. Маҳалладошлари билан дийдорлашадан, уни йўқлаб келган ёшларнинг меҳр-оқибатидан мамнун бўлади. Турмуш ўртоғи ва ўғлининг вафотидан кейин маҳалладошлар отанинг ёлғизлигини билдирмасликка ҳаркат қилади, иссиқ-совуғидан хабар олиб туради.

(Давоми 2-бетда)



• Қаршида фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги ота-оналар университети жамоатчилик тузилмаси фаолияти самарадорлигини янада оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Фаргона давлат университетида Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳарбий тайёргарлик тизимини замонавий тақомиллаштириш масаласига бағиш-

ланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• Андижонда вилоят фавқуллода вазиятлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Ёш қутқарувчи" мусобақасининг вилоят босқичи ташкил этилди.

• Навоийда ёнгин ўчириш амалий спорти бўйича "Динамо" Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт жамияти чемпионати ўтказилди. Чемпионатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби, Навоий кон-металлургия комбинати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 16 жамоа иштирок этди.



• Хитойнинг Юнан провинциясида деворнинг тўсатдан кулаб тушиши натижасида бир неча киши жароҳатланди. Қутқарувчилар томонидан девор вайроналари тагидан 4 киши қутқариб олинган бўлиб, уларнинг биттаси ҳаётдан кўз юмди, қолганлари зудлик билан касалхонага ётқизилди.

• Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида бўлиб ўтган спорт мусобақасида хиндистонлик 101 ёшли спортчи Ман Каур юз метр масофани 14 сонияда босиб ўтгани ҳолда ўзига хос рекорд ўрнатди. Таъкидлаш жоизки, Каур дунёдаги спорт мусобақаларида ягона кекса киши сифатида қатнашиб келмоқда. Унинг айтишича, профессионал спорт билан 93 ёшидан жиддий шугуллана бошлаган.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАРДАВОМ

Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида ёзги мавсумнинг очилиши муносабати билан “Ўлан айттали келдик” мавзuidaги анъанавий фольклор санъатига бағишланган маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир мазкур боғ ташаббуси билан “Қамолот” ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ҳамда туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев, фольклоршунос олим Раҳматилла Саримсоқов ва бошқалар сўз олиб мамлакатимизда миллий музыка санъатини ривожлантириш, фольклор санъатининг нодир қирраларини тарғиб қилиш, ёшлар онгу тафаккурига миллий маданиятимизни сингдириш ва шу билан иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб

этаётганлигини таъкидладилар.

— Бу маданий-маърифий тадбир ҳам ёшларнинг ўлан ва лапарлар ижрочилигига бўлган қизиқишларини ошириш билан бирга “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттиришда фольклор йўналишида ижод қилаётган ижрочиларнинг ютуқларини кенг жамоатчиликка таништиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тоҳиров.

Ғафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги “Дурдона”, Т.Содиқов номидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги “Нодирабегим”, Олмасор тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги “Ўзбекоим” халқ фольклор-этно-



график ансамбллари ҳамда “Хилола” намунавий болалар фольклор жамоаси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг махсус концерт дастурлари тадбирнинг мазмунли ва мароқли чиқишини таъминлаб берди.

Шунингдек, Республика “Баркамол авлод” болалар техник-ижодиёт маркази қошидаги “Дурдона” болалар рақс жамоаси ва “Турон” спортчилар гуруҳи, “Бувижонлар” фольклор жамоаларининг

махсус концерт дастурлари иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Тадбир доирасида Анваржон Мўйидинов раҳбарлигидаги “Дор” гуруҳи аъзоларининг қизиқарли томошалари, Республика дизайн коллежи, “Баркамол авлод” шаҳар маркази қошидаги миллий хунармандчилик тўғрисидаги катнашчиларининг ижодий ишлари асосидаги кўргазмалар ҳам ташкил этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

“Қамолот” лойиҳалари

КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Тошкент маданият коллежида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этиш мақсадида “Ватан келажаги сенинг қўлингда!” шиори остида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.

“Ёшлик” шаҳарчаси ҳокимлиги, “Қамолот” ЁИХ шаҳарча Ётакчилар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар иштирок этиб, ўзларни қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Учрашувда “Ёшлик” шаҳарчаси ҳокими Қ.Шонозаров таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш ва ўқувчилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, улар орасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш, қалбида ватанпарварлик туйғусини янада шакллантириш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва назоратсизликнинг олдини олиш, битирувчиларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда мамлакатимизда ёшлар учун ушбу соҳада яратилаётган кенг имкониятлар тўғрисида сўзлаб ўтди.

Шунингдек, шаҳарча ҳокими ўз сўзи-

ни яқунлар экан, ҳозирги кунда дунёнинг айрим минтақаларида юзага келаётган қуроли тўқнашувлар, урушлар туфайли оилалар нотинчлиги, кўплаб инсонлар жабр чекиб, бевақт вафот этаётган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, оқсоқиллик, ёшларга яратиб берилаётган имкониятдан тўғри фойдаланиб, унинг қадрига етиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли тушунтириш, ёш авлодни ушбу жараёнларга кенг жалб этиш мақсадида “Ватан келажаги сенинг қўлингда!” шиори остида танловлар ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Узро очик мулоқот тарзида ўтган давра сўхбатида ёшлар билан савол-жавоблар ўтказилди. Ёшлар ўртасидаги муаммолар ва таклифлар тингланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Судланувчи Бахтиёр Холмўминов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 1997 йили туғилган, эндигина коллежни тамомлаган, вақтинча ишсиз. У дастлабки тергов даврида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган “Санжар” исми ва бошқа шахслар билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, чет эл валютасига эҳтиёжи бўлмаган шахсларни топади. Шундан сўнг дадил ишга киришади.

Қилмиш-қидирмиш

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Шайхонтоҳур филиали “Жисмоний шахсларга хорижий валюта сотиш бўйича конверсион операциялар бўлими”дан мазкур фуқароларнинг номидан валюта қимматликларини қўлга киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 январдаги “Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибини янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларига зид мақсадларда фойдаланиб, гўёки ўзини қарор талабларига риоя қилгандек қилиб кўрсатади. Аслида бу талаблардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва чет эл валютасига эҳтиёжи бўлмаган фу-

қароларга ўзининг жиноий режаларини билдирмаган ҳолда уларнинг қўмақларидан фойдаланишни кўзлаб бу борада ушбу фуқароларнинг номларига пластик карта очилиши учун розилик берилишига эришади. Ва ўзи томонидан берилган пул маблағларини мазкур фуқароларнинг номларига очилган пластик карталарга тушириб, 2015 йилнинг 19 ноябрдан 26 декабрь кунига қадар жами 17 фуқарога 100 минг сўм ҳақ бериш эвазига 34 минг АҚШ долларини конвертация қилиб билан пластик карточкага туширтириб олади. Бу пластик карточкаларни аввалдан ўзининг жиноий шерги “Санжар” исми шахсга топширади. “Санжар” Туркия давлатида жойлашган

фирма орқали нақдлаштириб, жуда кўп миқдорда валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиб, ўтказилади.

Қаранг-а, эндигина 20 ёшга тўлган йигит шу ишларга қодир бўлса? Ишонгинг келмайди. Судда Б.Холмўминов ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдирди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суди Б.Холмўминовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топиб жазо тайинлади.

Искандар САЙФУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКР Департаменти Чилонзор тумани бўлими катта инспектори

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги Мировод саноат касб-хунар коллежига ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: олий маълумот, педагогик иш стажы ёки таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 5 йилдан, малакавий даражаси — катта ўқитувчи лавозимидан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарига малака талаблари: ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича олий педагогик маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажы 5 йилдан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажы талаб этилмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. Меҳнат дафтарчаси (нусхаси тасдиқланган шаклда);
6. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
7. Паспорт (нусхаси);
8. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
9. Илмий-услубий ишлар ва иштироқлар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

“КАННОР OMAD TRANS” МЧЖ га (ИНН 303351384) тегишли бўлган қуйидаги муддати тугаган ва йўқолган лицензия варақалари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1741858	ГБАСП ЗИЛ 431610	01 L 562 AA
1764290	КАМАЗ-54112	01 D 942 MA
1764291	КАМАЗ-9397	01 2831 AA
1764297	КАМАЗ-54112	01 D 942 MA
1764298	КАМАЗ-9397	01 2831 AA

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ “Тошкент оқшоми” газетасининг 28.03.2017 йилдаги № 66(13.399) сонидан чоп этилган эълондаги Бошлангич баҳоси: 823 802 497 сўм бўлган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 14.03.2017 йилдаги № 4385-23-сонли ижро ҳужжати асосида хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зайтун кўчаси, 3-5-7-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 394,22 кв.м. бўлган “Турар жой” Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБнинг 21.04.2017 йилдаги № 1/1-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан тўхтатилганлигини маълум қилади.

“Ким ошди савдо сервис” МЧЖ шуни маълум қиладики, “Тошкент оқшоми” газетасининг 2017 йил 21 апрелдаги №85 сонидан чоп этилган, 03/04/2017 йилдаги №15357/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, “Toyota Prado” автотранспорт воситаси очик аукцион савдолари бўлиб ўтиши тўғрисидаги эълондаги савдо кўни 2017 йил 29 май деган сўз: 2017 йил 24 май деб ўқилсин ва закатат пули “10 фоиз” деган сўз “50 фоиз” деб ўқилсин.

Гувоҳнома №5477

Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси УАШ терапия, клиник фармакология кафедраси ассистенти Рихси Абдумавляновна Азизовага турмуш ўртоғи

ЭРКИН аканинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

“Ўзбеккозқовқатзахира” уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси собиқ ходими Абдусамат Исмоиловнинг волидаи мухтарамаси

САЛТАНАТ аянинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дига 12-17 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, фшлосланши даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 435

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

1 2 3 4 5